

Испаниялик футболчи Хавининг Месси хақидаги фикри



11:30 / 17.03.2021 3923

Афсонавий испаниялик футболчи Хави Барселона ҳужумчиси Лионел Мессининг келажаги хақида гапирди. «Месси қоладими?»

- Умид қиламанки, иншааллоҳ, «Барселона» га Месси, Мессига «Барселона» керак. Бу вақт масаласидир, лекин иншааллоҳ у давом этади».

Бутун дунё мусулмонлари томонидан кенг қўлланиладиган «иншааллоҳ» калимаси «Аллоҳ хоҳласа» деган маънони англатади.

Islam.ru манбасининг хабар беришича, ушбу калима таниқли спортчилар, сиёсатчилар ва жамоат арбобларининг нутқларида ҳам қўлланилмоқда. Жумладан, АҚШ президенти Жо Байден АҚШнинг собиқ президенти Доналд Трампнинг ваъдасини шарҳлар экан, «иншааллоҳ» калимасини ишлатган.

Эслатиб ўтамиз, Хави аввал «Барселона» футбол клубида ярим ҳимоячи сифатида ўйнаган ва ҳозирда Қатарнинг «Ас-Садд» жамоасига мураббийлик қилмоқда.

Хуршид Маъруф тайёрлади